

Риёзус солиҳийн шарҳи / Ҳаё ва унинг фазилати ҳамда у билан хулқланишга одатланмоққа тарғиб қилиш ҳақида / 987-ҳадис

987 - وَعَنِ ابْنِ عُمَرَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُمَا: أَنَّ رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ كَانَ إِذَا اسْتَوَى عَلَى بَعِيرِهِ خَارِجًا إِلَى سَفَرٍ، كَبَّرَ ثَلَاثًا، ثُمَّ قَالَ: «سُبْحَانَ الَّذِي سَخَّرَ لَنَا هَذَا وَمَا كُنَّا لَهُ مُقْرِنِينَ، وَإِنَّا إِلَى رَبِّنَا لَمُنْقَلِبُونَ. اللَّهُمَّ؛ إِنَّا نَسْأَلُكَ فِي سَفَرِنَا هَذَا الْبِرَّ وَالتَّقْوَى، وَمِنَ الْعَمَلِ مَا تَرْضَى، اللَّهُمَّ؛ هَوِّنْ عَلَيْنَا سَفَرَنَا هَذَا، وَاطْوِ عَنَّا بُعْدَهُ، اللَّهُمَّ؛ أَنْتَ الصَّاحِبُ فِي السَّفَرِ، وَالْخَلِيفَةُ فِي الْأَهْلِ، اللَّهُمَّ؛ إِنِّي أَعُوذُ بِكَ مِنْ وَعَثَاءِ السَّفَرِ، وَكَآبَةِ الْمَنْظَرِ، وَسُوءِ الْمُنْقَلَبِ فِي الْمَالِ وَالْأَهْلِ» وَإِذَا رَجَعَ قَاهُنَّ وَزَادَ فِيهِنَّ: «أَيُّونَ تَائِبُونَ عَابِدُونَ لِرَبِّنَا حَامِدُونَ». رَوَاهُ مُسْلِمٌ [1342].

معنى «مُقْرِنِينَ»: مُطِيقِينَ، «وَالْوَعَثَاءُ» يَفْتَحُ الْوَاوِ وَإِسْكَانِ الْعَيْنِ الْمُهْمَلَةِ، وَبِالْثَاءِ الْمُثَلَّثَةِ بِالْمَدِّ، وَهِيَ: الشِّدَّةُ، وَ«الْكَآبَةُ» بِالْمَدِّ، وَهِيَ: تَغْيِيرُ النَّفْسِ مِنْ حُزْنٍ وَنَحْوِهِ، «وَالْمُنْقَلَبُ»: الْمَرْجِعُ.

987. Ибн Умар розияллоху анҳумодан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи васаллам сафарга чиқишда туяларига ўрнашиб олгач, уч марта такбир айтардилар. Кейин: «Субҳааналлазии саххоро ланаа ҳазаа ва маа куннаа лахуу мукриниин ва иннаа илаа Роббинаа ламунқолибуун. Аллоохумма! Иннаа насъалука фии сафаринаа ҳазаал-бирро ват-тақваа, ва минал-аамали маа тардоо. Аллоохумма! Ҳаввин ыалайнаа сафаронаа ҳазаа ватви ғаннаа буъда. Аллоохумма! Антас-сооҳибу фис-сафар, вал-холиифату фил-аҳл. Аллоохумма! Иннии аъузу бика мин ваъсааис-сафар, ва ка-аабатил-манзор, ва сууил-мунқолаби фил-маали вал-аҳл»* дер эдилар. Қайтганларида ҳам шуларни айтардилар ва буларга: «Аайибууна, тааибууна, ыаабидууна, лироббинаа ҳаамидуун»ни* қўшиб қўярдилар».

* «Буни бизга бўйсундириб қўйган Аллоҳни поклаб ёд этаман! Биз бунга қодир эмас эдик. Албатта, биз Роббимизга қайтиб боргувчимиз. Аллоҳим! Бу сафаримизда Сендан яхшилик, тақво ва Сен рози бўладиган амални сўраймиз. Аллоҳим! Бу сафаримизни бизга енгил қил, узоғини яқин айла.! Сафарда йўлдош ҳам, аҳлу аёлда ўринбосар ҳам Ўзингсан. Аллоҳим! Мен Сендан сафар машаққатидан, маҳзун аҳволдан ҳамда қайтганда молу-мулк ва аҳлу аёлда ёмонлик бўлишидан паноҳ сўрайман».

* «Қайтгувчилармиз, тавбакорлармиз, ибодатгўйлармиз ва Роббимизга ҳамд айтгувчилармиз».

Имом Муслим ривояти.

Шарҳ: Сафарга чиқаётганда Пайғамбаримиз с.а.в.нинг қандай ҳолатда бўлишларини Абдуллоҳ ибн Умарнинг ушбу ривоятдан ўрганамиз. Ҳар масалада ўрнатилган ва бошчимиз бўлган Суюкли Пайғамбаримиз с.а.в. уловларига мингандан сўнг уч маротаба такбир айтар кейин эса юқоридаги келган дуони айтиб, Зухруф сураси, 12-14-оятларини ўқир эдилар.

Пайғамбаримиз с.а.в.нинг бу ерда айтиб ўтган масалалари ҳақида бироз фикр юритадиган бўлсак, уларнинг сафарга чиққан барчасининг қайғуси бир эканлигини кўраёмиз. Бу қайғулардан қутилиш учун қандай дуо қилиш кераклигини ва Аллоҳ таолодан нималар сўрашимиз кераклигини бу ҳадисдан ўрганмоқдамиз. Ҳар пайтда айтиладиган сўз фарқлидир. Маконга ва ҳолатга қараб мос сўз гапириш, ният ва тилаклар қилиш билим ишидир. Пайғамбаримиз с.а.в.нинг бу дуолари, бир қул бўлиб сафарга чиқаётганда ва қайтаётганда энг мақбул сўзларни ичига олган. Шунинг учун бу бизга доимо ўрнатилган бўлиб қолажак.

Манба: hadis.islom.uz

